

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**34-сон**  
**(1106)**  
**2023 йил**  
**август**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

377. ««Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 21 августдаги ЎРҚ–864-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

378. «Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 августдаги ПҚ–285-сон қарори

*Учинчи бўлим*

379. «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчилар-

нинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 августдаги 409-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

380. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 20-iyuldagi 61-2023/V-son “To‘liq moddiy javobgarlik to‘g‘risida o‘zi bilan yozma shartnomalar tuzilishi mumkin bo‘lgan xodimlar egallaydigan lavozimlar va ishlarning namunaviy ro‘yxatini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 21-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3452*)
381. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 7 августдаги 33-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-8*)
382. O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligining 2023-yil 22-iyuldagi 4-mh-son hamda O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 14-iyuldagi 60-son “Maktabgacha ta‘lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta‘minotiga haq to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 22-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2821-3*)
383. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2023-yil 4-avgustdagi 144-son “Tabiiy suv havzalari mahsuldorligini oshirishda baliqlantirish me‘yorlari va texnologiyasiga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 22-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3103-1*)
384. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил 21 июлдаги 179-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаblари, тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3453*)
385. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 18 июлдаги 62-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

*томонидан 2023 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2772-2)*

386. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 25 июлдаги 67-сон «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-5)*)
387. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 25 июлдаги 68-сон «Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2564-2)*)
388. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил 21 августдаги МН-12-сон «Ботаника коллекцияларини ҳисобга олиш, тўлдириб бориш, асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш ва ундан олиб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2628-1)*)
389. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 1 августдаги 5-мх-сон «Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги спорт таълим муассасаларини спорт жиҳозлари ва анжомлари билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3454)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****377 «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
16 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 5 августда  
маъқулланган

Мамлакатимизда ветеринария соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек самарали ветеринария назоратини таъминлаш ва ветеринария хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан ветеринария соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича замонавий таълим тизимини яратиш, шунингдек мазкур соҳада фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини янада кучайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Давлат ветеринария хизмати таркибий бўлинмаларидан бирининг номини аниқлаштирувчи, шунингдек ветеринария назорати объектларига монеликсиз кириш юзасидан бош давлат ветеринария инспекторларининг, улар ўринбосарларининг ва давлат ветеринария инспекторларининг ваколатларини қисқартирувчи ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ветеринария соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини янада таъминлашга ва давлат ветеринария инспекторлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги 935–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–397-сонли Қонуни таҳририда) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 453-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модданинг биринчи қисмидаги** «Самарқанд ветеринария ме-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 августда эълон қилинган.

дицинаси институти ва» деган сўзлар «Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «монеликсиз» деган сўз «қонунчиликда белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 21 август,  
ЎРҚ–864-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****378 Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Чорвачилик соҳасига замонавий инновацион усулларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–120-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 июлдаги «Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–211-сон қарори билан ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимини жорий этишга 33 миллион АҚШ доллари йўналтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимини жорий қилишни қуйидаги икки босқичда амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

биринчи босқичда — 2023-2024 йилларда 1-иловада\*\* келтирилган чорвачиликка ихтисослаштирилган 25 та туманда;

иккинчи босқичда — 2025-2026 йилларда республиканинг қолган туманларида.

Белгилансинки, мазкур қарорга 1-иловада келтирилган чорвачиликка ихтисослаштирилган туманларда ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимини жорий қилиш бепул амалга оширилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилотининг Ер устидаги ҳайвонлар соғлиғи кодекси ва Ҳайвонларни рўйхатга олиш халқаро қўмитасининг нормаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасида масъул орган ҳисобланади.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 августда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузурида давлат муассасаси шаклида Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш марказини (кейинги ўринларда — Идентификация маркази) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

5. Қуйидагилар Идентификация марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахслар томонидан боқиб, кўпайтириладиган ва сақланадиган хайвонлар, жумладан уй хайвонларини босқичма-босқич идентификация қилиш ва уларнинг электрон ҳисобини юритиш тадбирларини ташкил этиш;

хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш бўйича ягона миллий маълумотлар базасини мувофиқлаштириш ҳамда реал вақт режимида электрон ахборот алмашинувини таъминлаш;

хайвонларни идентификация қилиш ишларига жалб қилинадиган ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириб бориш;

хайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш;

халқаро тажриба асосида хайвонларни идентификация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.

6. Идентификация марказининг ижро этувчи аппарати тузилмаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг мавжуд штат бирликлари доирасида белгиланади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисига, зарур ҳолларда, Идентификация марказининг ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси уч ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларида камида 2 та штат бирлигидан иборат Идентификация марказининг секторлари фаолиятини йўлга қўйсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ташаббускор тадбиркорлик субъектлари ва чорвачилик фермер хўжалиklarини жалб қилган ҳолда мазкур қарорга 1-иловада келтирилган туманларда қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган чорвачилик кластерлари ташкил этилишини таъминласин:

гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, аҳолидан йиғиб олиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот шаклида реализация қилиш;

тайёр озуқа ем маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни аҳолига қулай бўлган ҳудудларда сотиш шохобчаларини ташкил этиш;

аҳоли хонадонларига маҳсулдор насли молларни етказиб бериш;

чорва молларини сўйиш қушхоналари, териларни қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш;

терини қайта ишловчи корхоналар билан биргаликда кооперация асосида теридан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

9. Белгилансинки, мазкур қарорга 1-иловада келтирилган туманларда ташкил этиладиган чорвачилик кластерларига:

Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Чорвачилик соҳасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳаси доирасида жалб қилинган ресурслар ҳисобидан 60 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилади;

пахта ва ғалла экин майдонларини қисқартириш ҳисобига ҳар бир туманда камида 100 — 150 гектар майдон озуқабоп экинлар экиш учун ажратилади.

Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил пахта ва ғалла ҳосили учун режалаштириладиган экин майдонларини қисқартиришни ҳисобга олсин ва озуқабоп экинлар экилишини таъминласин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг «Ўзнасччилик» давлат корхонасини давлат муассасаси шаклидаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Қўйидагилар Марказнинг селекция ва наслчилик соҳасидаги асосий вазифалари этиб белгилансин:

наслдор буқаларнинг уруғини қадоқлашнинг замонавий усулларини кенг қўламда жорий этиш, «AndroVision» CASA дастури асосида сифатли уруғ тайёрлашни йўлга қўйиш;

гўшт ва сут йўналишида наслдор қорамолларнинг эмбрионларини «in vitro» усулида тайёрлаш ва кўчириб ўтказишнинг инновацион лабораториясини ташкил этиш;

наслдор ва спорт отларининг уруғлари ва эмбрионларини чуқур музлатилган ҳолда тайёрлаш технологиясини йўлга қўйиш ҳамда шартнома асосида консалтинг хизматларини кўрсатиш;

иктидорли ёшлар ҳамда ёш олимларнинг наслдор ҳайвонларнинг уруғи ва эмбрионларини сотиш, сифатли етказиб бериш, илм-фан, илғор тажриба ва технологиялар ютуқлари борасида билим ва амалий кўникмаларини ошириш.

Белгилансинки, Марказ фаолияти унинг хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадлари, маҳаллий ва хорижий грантлар, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Тошкент вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги билан биргаликда Марказни жойлаштириш ва унинг ўз фаолиятини амалга ошириши ҳамда янги бино ва иншоотларни қуриши учун белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилишини таъминласин.

13. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига Тошкент



шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Ижодкор» маҳалла фуқаролар йиғини, Миллий боғ кўчасида жойлашган Марказни кўчириш ва жойлаштириш учун хусусий мулк сотиб олиш, таъмирлаш, янги бино ва иншоотлар қуриш ҳамда лаборатория асбоб-ускуналари ва жиҳозларни харид қилиш харажатларини Қўмита ҳузуридаги Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 50 миллиард сўмгача миқдорда молиялаштиришга рухсат этилсин. Бунда:

Марказга қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Ижодкор» маҳалла фуқаролар йиғини, Миллий боғ кўчасида жойлашган бино ва иншоотлар ер участкаси билан бирга (кейинги ўринларда — объект) сотиш учун электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилади;

объектни баҳолаш, баҳолаш ҳисоботларининг ишончилигини экспертиза қилиш, савдога чиқариш, сотиш ҳамда тижорат банклари гаровидан чиқариш ёки гаров таъминотини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ҳисобидан қопланади;

объектни сотишдан тушган маблағлар (савдоларга чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни чегирган ҳолда) тўлиқ Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Давлат активларини бошқариш агентлигига объектни заруратга қараб лотларга бўлган ҳолда электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотувга чиқаришга рухсат берилсин.

14. Белгилансинки, Марказга қарашли ер майдони ҳамда бино ва иншоотларни сотишдан тушган маблағлар қўйидагиларга йўналтирилади:

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказни жойлаштириш учун хусусий мулк сотиб олиш, таъмирлаш, янги бино ва иншоотлар қуриш, ҳамда лаборатория асбоб-ускуналари ва жиҳозларни харид қилиш харажатларини қоплаш;

наслчилик иши соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил этиш, уларни хорижий давлатларга юбориш, чет элдан экспертларни жалб қилиш, халқаро кўرғазмалар ва форумлар ўтказиш;

наслчилик иши ва сунъий уруғлантириш билан шуғулланувчи мутахассисларни моддий-техника воситалари, шу жумладан дьюар идишлари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш.

15. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига Марказни жойлаштириш учун бино ва иншоотларни қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини тендерсиз амалга оширишга рухсат берилсин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг наслчилик соҳасини назорат қилиш бўлими ва ҳудудий бўлинмаларининг 146 та штат бирликларини Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

17. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб чорвачилик хўжаликлари ўз эҳтиёжи учун импорт қилган наслдор қорамолларга ҳисобланган қўшилган қиймат

солиғини Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг кафолати асосида 180 кун ичида тўлаб бериш тизими жорий этилсин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда ушбу бандда белгиланган тизимни жорий қилиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

18. Белгилансинки, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб 2025 йил 31 декабрга қадар давлат томонидан қўйидаги тартибда субсидия ажратилади:

чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига 2 миллион сўм, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдорида;

паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош 1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 15 минг сўмини қоплаш учун.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4576-сон қарори билан тасдиқланган Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашининг янгиланган таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашининг чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантиришга оид топшириқлари ва кўрсатмалари барча давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

20. Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштириш юзасидан белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

21. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туманларда ҳайвонларни идентификация қилишга ҳамда чорвачилик лойиҳалари учун кредит маблағларини ажратишни ташкиллаштиришга масъул ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туманларда чорвачилик лойиҳаларини амалга оширишга, озуқа учун ер майдонларини ажратишга ва тўлиқ ҳажмда ишга туширишга масъул ҳисобланади.

22. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А. Воитов ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б. Норқобилов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилот-

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари  
Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 24 август,  
ПҚ–285-сон

**УЧИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****379 Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ кадастр соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, шунингдек, рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартибини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин: рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

рўйхатдан ўтказувчининг малака оширганлиги тўғрисидаги сертификат ҳамда аттестациядан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар шаклини тасдиқлаш.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 22 августи,  
409-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 22 августдаги 409-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан  
ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни  
аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аттестация гувоҳномаси** — рўйхатдан ўтказувчиларнинг ушбу Низомда белгиланган тартибда аттестациядан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**аттестация комиссияси** — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигида (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) ташкил этиладиган ва доимий асосда ишлайдиган рўйхатдан ўтказувчиларни аттестациядан ўтказувчи комиссия;

**рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш** — тегишли ўқув дастурлари ва режалари асосида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасига оид билим талаб этиладиган мутахассисларнинг малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш орқали уларнинг касбий маҳорати оширилишини таъминлашга қаратилган ўқитиш шакли;

**малака талаблари** — рўйхатдан ўтказувчиларнинг касбий билим ва амалий кўникмалари даражасига қўйиладиган талаблар мажмуи;

**рўйхатдан ўтказувчи орган** — Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси;

**сертификат** — рўйхатдан ўтказувчиларнинг ушбу Низомда белгиланган тартибда малакасини оширганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**ўқув дастури** — рўйхатдан ўтказувчиларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишнинг умумий тартибини белгиловчи ҳужжат;

**ўқув режаси** — ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгиловчи ҳужжат.

3. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакаси уларнинг лавозим мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган касбий билимлари ва амалий кўникмаларини сақлаб туриш мақсадида оширилади.

4. Рўйхатдан ўтказувчилар аттестациядан уларнинг касбига муносиблиги даражасини ҳолисона баҳолаш, қонунчиликда белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

5. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш ушбу Низомга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш тартиби**

6. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш Кадастр агентлигининг Тошкент геодезия ва картография коллежи Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда — марказ) томонидан амалга оширилади.

7. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакаси ҳар уч йилда камида бир марта оширилади.

Малака ошириш курслари кўп билан етмиш икки соатни ташкил этади.

8. Рўйхатдан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ рўйхатдан ўтказувчиларнинг реестрини (кейинги ўринларда — реестр) юритади.

Реестрда рўйхатдан ўтказувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, маълумоти, мутахассислиги, меҳнат стажи, малакасини оширган ва аттестациядан ўтган вақти ҳамда бошқа зарур маълумотлар акс эттирилади.

9. Рўйхатдан ўтказувчи орган реестрдаги маълумотларга асосан рўйхатдан ўтказувчининг малака ошириш муддати келишидан ўн беш кун олдин унинг малакасини ошириш бўйича марказга мурожаат қилади.

10. Марказ рўйхатдан ўтказувчи органнинг мурожаатини келиб тушган кундан бошлаб беш кун ичида кўриб чиқади ва рўйхатдан ўтказувчини малака ошириш курсига қабул қилади ёки қабул қилишни рад этади ҳамда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилади.

11. Рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим қилган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда ёки нотўғри маълумотлар тақдим этган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи органнинг мурожаати рад этилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг мурожаатини бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

12. Рўйхатдан ўтказувчилар марказ томонидан белгиланган вақт давомида малака ошириш курсларида иштирок этиши ва улар ушбу давр мобайнида марказнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши шарт.

Марказ рўйхатдан ўтказувчи малака ошириш курсларида узрсиз сабабларга кўра қатнашмаса ёки ички тартиб-қоидаларни бузса, бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилган ҳолда уни малака ошириш курсидан четлатиши мумкин.

13. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ўқув дастурлари ва режалари марказ томонидан рўйхатдан ўтказувчи орган билан биргаликда ишлаб чиқилади.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Малака ошириш ўқув дастурлари ва режалари рўйхатдан ўтказувчиларнинг асосий фаолият йўналишларига мувофиқ бўлиши керак.

15. Малака ошириш курслари тамомлангандан сўнг рўйхатдан ўтказувчилар марказ томонидан тест шаклида синовдан ўтказилади.

Малака ошириш курсларида ўтилган ўқув дастурлари ва режалари асо-сида элликтадан иборат тест тузилади ҳамда уларни тузишда бошқа манба-лардан фойдаланиш тақиқланади.

Рўйхатдан ўтказувчиларга тест синовларини топшириш учун бир соат вақт берилади.

16. Тест синовлари натижасига кўра эллик олти фоиздан юқори балл тўплаган рўйхатдан ўтказувчилар тест синовидан ўтган ҳисобланади ҳамда уларга кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчининг малака ошириш курсларида ўқиганлиги тўғрисида ушбу Низомга 2-иловада-ги\* намунага мувофиқ сертификат берилади.

17. Тест синовларидан ўта олмаган ёки малака ошириш курсларидан чет-латилган рўйхатдан ўтказувчилар олти ой давомида малака ошириш курсла-рида қайта ўқитилади.

Бунда малака ошириш билан боғлиқ харажатлар рўйхатдан ўтказувчи-ларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тест синовларидан ўта олмаган ёки малака ошириш курсларидан четла-тилган рўйхатдан ўтказувчилар малака ошириш курсларида қайта ўқиб, тест синовларидан муваффақиятли ўтгунига қадар уларнинг кўчмас мулкка бўл-ган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатларини амалга ошириш ваколати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан чекланади.

18. Рўйхатдан ўтказувчилар малака ошириш курслари якунлари бўйича ўтказиладиган тест синовларидан такроран ўта олмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган бир ой муддат уларни бошқа ишга ўтказиш масаласини кўриб чиқади.

19. Марказ рўйхатдан ўтказувчиларнинг малака оширганлиги тўғрисида-ги маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади.

20. Марказ малака ошириш курсларини битириб, сертификат олган рўйхатдан ўтказувчилар тўғрисидаги маълумотларни малака ошириш ту-гаганидан кейин беш иш кунда рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим эта-ди.

21. Тақдим этилган маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказувчиларнинг реестрига киритиб борилади.

22. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ ха-ражатлар марказ раҳбари ва рўйхатдан ўтказувчи орган ўртасида шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

Малака ошириш курсларида қатнашаётган рўйхатдан ўтказувчиларни ўқитиш қиймати марказнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ Кадастр агентлиги томонидан белгиланади.

23. Малака ошириш даврида рўйхатдан ўтказувчиларнинг иш жойи бўйи-ча ўртача иш ҳақи ва лавозими сақланади.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

### 3-боб. Рўйхатдан ўтказувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби

24. Рўйхатдан ўтказувчилар ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтказилади.

25. Олий таълим муассасаларини тугатган ва эгаллаган мутахассислик бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар, агар улар мазкур мутахассислик бўйича икки йилдан кам ишлаган бўлса, аттестациядан ўтказилмайди.

26. Рўйхатдан ўтказувчиларни аттестациядан ўтказиш учун Кадастр агентлигида камида беш нафардан иборат таркибда аттестация комиссияси тузилади.

27. Аттестация комиссияси таркиби Кадастр агентлиги директори томонидан тасдиқланади.

Кадастр агентлиги директорининг тегишли ўринбосари аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Аттестация комиссияси таркибига келишувга кўра илмий ва олий таълим муассасалари вакиллари киритилиши мумкин.

28. Аттестация комиссияси раиси:

аттестация комиссияси мажлисларида раислик қилади;

аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;

аттестациядан ўтказиладиганларнинг рўйхат бўйича таркибини белгилайди;

аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилади.

Аттестация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини раис ўринбосари амалга оширади.

29. Кадастр агентлигининг тегишли таркибий бўлинмаси аттестация комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи орган:

аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

рўйхатдан ўтказувчининг ҳужжатларини шакллантиради ва тайёрлайди;

аттестацияни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотларни аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларга етказиши;

аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

30. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг белгиланган муддатларда аттестациядан ўтишини таъминлашга тегишли рўйхатдан ўтказувчи органлар раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

31. Рўйхатдан ўтказувчи орган рўйхатдан ўтказувчининг аттестациядан ўтиш муддати келишидан икки ой олдин уни аттестациядан ўтказиш тўғрисида аттестация комиссиясига мурожаат қилади ва қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:



рўйхатдан ўтказувчининг дипломидан нусха, агар чет элда таълим олган бўлса, чет мамлакатларда таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ва ваколатли давлат органи томонидан берилган, таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги ёки эквивалентлиги қайд этилган гувоҳнома нусхаси;

рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбари номидан тавсифнома;  
малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисидаги сертификат нусхаси.  
Тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

Қуйидаги ҳужжатлар аттестация комиссияси томонидан тегишли рўйхатдан ўтказувчи органдан мустақил равишда, шу жумладан, «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади:

шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;  
маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси.

32. Ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни муддатда кўриб чиқилади. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, аттестацияга қўйиш рад этилади ва тегишли рўйхатдан ўтказувчи органга билдиришнома юборилади ва унда аниқланган камчиликлар, камчиликларни бартараф этиш ҳамда такрорий кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

Ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда, Аттестация комиссияси томонидан бир ой муддатда рўйхатдан ўтказувчи аттестациядан ўтказилади.

33. Аттестациядан ўтишнинг рад этилишига асос бўлган камчиликлар бир ой муддатда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун тақдим этилиши мумкин.

34. Рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим қилган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилган тақдирда, аттестациядан ўтишнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади.

Аттестациядан ўтишга бошқа асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

35. Аттестация комиссияси аттестациянинг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органга аттестация ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин билдиришнома юборади.

36. Аттестация комиссияси, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади.

37. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади.

Рўйхатдан ўтказувчи билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган асослар бўйича суҳбат ўтказилади.

Суҳбат жараёни узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади ва видеотасвир камида бир йил сақланади.

Саволларнинг аниқ рўйхати ва аттестация комиссиясининг иш регламенти Кадастр агентлиги директори томонидан тасдиқланади.

38. Аттестация комиссияси рўйхатдан ўтказувчининг билим ва иш тажрибасини ҳисобга олиб:

рўйхатдан ўтказувчини аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида;

рўйхатдан ўтказувчини аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

39. Аттестация комиссиясининг қарорлари аттестация комиссиясининг мажлисида ҳозир бўлган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овоз бериш рўйхатдан ўтказувчининг иштирокисиз ўтказилади.

40. Аттестация комиссиясининг қарори аттестация комиссиясининг раиси ва котиби томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

41. Аттестация натижалари овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади.

42. Рўйхатдан ўтказувчига икки иш куни ичида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида ушбу Низомга 3-иловадаги\* намунага мувофиқ гувоҳнома берилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати — уч йил.

43. Рўйхатдан ўтказувчи аттестациядан ўтмаган деб топилган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган уни такрорий аттестациядан ўтказиш учун аттестация ўтказилган кундан камида уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай аттестация комиссиясига мурожаат қилади.

Агар рўйхатдан ўтказувчи такрорий аттестациядан ўта олмаса, аттестация комиссияси унинг иш жойига бу ҳақда билдиришнома юборади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган билдиришнома келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида рўйхатдан ўтказувчини меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши ва кўрилган чоралар тўғрисида уч кун муддатда Кадастр агентлигини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

44. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлигини Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти орқали унинг идентификация рақамини киритиш ёки ундаги QR-кодни сканер қилиш йўли билан текшириш мумкин.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

45. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган маблағлари ҳисобидан қопланади.

46. Ҳомиладор аёллар, шунингдек, уч ёшгача болалари бор аёллардан муддати келишидан қатъи назар, малакасини ошириш ҳамда аттестациядан ўтиш талаб этилмайди.

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

47. Рўйхатдан ўтказувчиларнинг малака ошириш ва аттестациядан ўтиш жараёнида ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган тақдирда, белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

48. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG‘I****380 To‘liq moddiy javobgarlik to‘g‘risida o‘zi bilan yozma shartnomalar tuzilishi mumkin bo‘lgan xodimlar egallaydigan lavozimlar va ishlarning namunaviy ro‘yxatini tasdiqlash haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
21-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3452*

O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 343-moddasiga muvofiq  
**buyuraman:**

1. To‘liq moddiy javobgarlik to‘g‘risida o‘zi bilan yozma shartnomalar tuzilishi mumkin bo‘lgan xodimlar egallaydigan lavozimlar va ishlarning namunaviy ro‘yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi va O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 20-iyul,  
61-2023/V-son

*Kelishildi:*

*O‘zbekiston Kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi raisi*

*K. RAFIKOV*

*2023-yil 11-iyul*

*O‘zbekiston Savdo-sanoat  
palatasi raisi*

*D. VAXABOV*

*2023-yil 13-iyul*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 22-avgustda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2023-yil 20-iyuldagi 61-2023/V-son buyrug'iga  
ILOVA

**To'liq moddiy javobgarlik to'g'risida o'zi bilan yozma  
shartnomalar tuzilishi mumkin bo'lgan xodimlar  
egallaydigan lavozimlar va ishlarning  
NAMUNAVIY RO'YXATI**

T/r	Xizmatchilarning asosiy lavozimlari va ishchilar kasblarining nomlanishi
<b>Ombor, g'azna va boshqa bo'linmalarda rahbarlik ishlari</b>	
1.	Veterinariya dorixonasi mudiri
2.	Filmlar bazasi (filmlar ombori) mudiri
3.	Xo'jalik mudiri
4.	Baza (ot-ulov transporti, ishlab chiqarishga xizmat ko'rsatish, rezerv, topshirish, turistik va boshqalar) boshlig'i
5.	Moddiy-texnik ta'minoti guruhi boshlig'i
6.	Urug'chilik ombori mudiri
7.	Mexanizatsiyalashgan don ombori boshlig'i
8.	Quyi ombor boshlig'i
9.	Lavlagi qabul qilish punkti mudiri
10.	Quyi ombor texnik rahbari
11.	Punkt (tayyorlov, qabul qilish, o'quv-maslahat, o'quv va boshqalar) mudiri
12.	Non qabul qilish bazasi boshlig'i
13.	Ishlab chiqarish xizmati bazasi boshlig'i
14.	Yerosti gaz ombori stansiyasi boshlig'i
15.	Moddiy-texnik ta'minot bo'yicha bosh mutaxassis
16.	Baza (dori-darmon, ich kiyim-jild, yuk tushirish va ortish, molxona, sport, o'quv-ilmii) mudiri
17.	Saqlash kamerasi mudiri
18.	G'azna mudiri (chipta va boshqalar)
19.	Idora (dafn etish xizmati, tovar va boshqalar) mudiri
20.	Neft ombori mudiri
21.	Yuk bo'linmasi mudiri
22.	Yuk tushirish va yuklash bazasi mudiri
23.	Temir yo'l yoqasidagi baza mudiri
24.	Ombor (markaziy ombor) mudiri
25.	Yo'l blanklari va eltish hujjatli ombor mudiri
26.	Portlovchi moddalar ombori mudiri
27.	Aviatsiya-texnika bazasi boshlig'i
28.	Aerodrom-texnika ta'minoti bazasi boshlig'i
29.	Gidrografika bazasi boshlig'i
30.	Lokomotivlar (vagonlar) zaxira bazasi boshlig'i
31.	Jamlash va ishlab chiqarish texnika ta'minoti bazasi boshlig'i

32.	Yoqilg'i bazasi boshlig'i
33.	Depo boshlig'i
34.	Kassa (vokzal bilet kassasi, bosh, shahar bilet kassasi) boshlig'i
35.	Kolonna (avtomobil, mexanizatsiyalashgan) boshlig'i
36.	Shahar elektr transporti kolonnasi boshlig'i
37.	Shahar hududini tozalash, maishiy chiqindilarni chiqarish bo'yicha maxsus mashina kolonnasi boshlig'i
38.	Idora (yuk, transport-ombor va boshqalar) boshlig'i
39.	Yozgi-sinov bo'linmasi (bazasi, majmuasi, stansiyasi, markazi) boshlig'i
40.	Neftbaza boshlig'i
41.	Bo'lim boshlig'i (transport, alqa va omborxonada xo'jaligida)
42.	Moddiy-texnik ta'minoti bo'limi boshlig'i
43.	Ta'minot bo'limi boshlig'i
44.	Punkt (tayyorlov, ortish-tushirish, port, baliq qabul qilish, kema, o'quv-mashg'ulot va boshqalar) boshlig'i
45.	Yuk porti punkti, ishlab chiqarish qayta yuklash majmuasi, tuman yuk porti boshlig'i
46.	Ombor (yog'-moy materiallari, yuk, moddiy-texnik va boshqalar) boshlig'i
47.	Yog'-moy materiallari ombori boshlig'i
48.	Yuk ombori boshlig'i
49.	Xizmat boshlig'i (transport, aloqa, ombor xo'jaligida)
50.	Moddiy-texnik ta'minot va sotish xizmati boshlig'i
51.	Shahar tovar stansiyasi boshlig'i
52.	Uglevodorod ashyolarini tashish va saqlash bo'yicha xomashyo uchastkasi boshlig'i
53.	Ta'minot va jamlash boshqarmasi boshlig'i
54.	Filial (avtoyoqilg'i quyish shoxobchasi, mashina sanash stansiyasi, neft bazasi, mexanizatsiyalashgan hisob stansiyasi va boshqalar) boshlig'i
55.	Materiallarni tayyorlash va saqlash sexi boshlig'i
56.	Ta'minot bo'yicha katta muhandis
57.	Aloqa va radiotexnika qurilmalari ekspluatatsiyasi bazasi (xizmati) boshlig'i (radionavigatsiya va aloqa)
58.	Radioelektrotexnika ta'minoti bo'limi boshlig'i
59.	Aloqa va radiotexnika ta'minoti xizmati boshlig'i
60.	Ombor mudiri (lombard, moddiy boyliklar)
61.	Mehmonxona majmuasi (xo'jaligi) mudiri
62.	Bosh kassir
63.	Umumiy ovqatlanish savdo obyekti mudiri
64.	Bo'lim boshlig'i (umumiy ovqatlanish va mehmonxonalarda)
65.	Savdo va umumiy ovqatlanish tashkiloti bosh kassiri
66.	Avtoyoqilg'i quyish shoxobchasi mudiri
67.	Dorixona (dorixona muassasasi) mudiri
68.	Veterinariya dorixonasi mudiri
69.	Lombard mudiri
70.	Do'kon mudiri (tibbiy texnika, optika, dorixona)
71.	Aholidan qimmatbaho metallar va toshlarni sotib olish punkti mudiri

72.	Avtoyoqilg'i quyish shoxobchasi mudiri
73.	Ombor mudiri (davlat boshqaruv organlarida)
74.	Chakana savdolarini tashkil etish tovarlar majmuasi mudiri
75.	Savdo obyektlari mudiri
76.	Savdo texnikalari va ularni tashkil etish bo'limi boshlig'i
77.	Kassa (teatr-konsert va sport-ko'ngilochar tomoshalar kassasi) direktori
78.	Kassa (chipta, birlashgan) mudiri
79.	Chipta kassasi mudiri
80.	Liboslar xonasi mudiri
81.	Yuklarni saqlash kamerasi mudiri
82.	Qabul punkti mudiri
83.	Ijaraga berish, qabul qilish punkti mudiri
84.	Ombor mudiri (muassasa va tashkilotlarda)
85.	Tayyor mahsulotlar ombori mudiri
86.	Inkassatorlik guruhi boshlig'i
87.	Xo'jalik (uy-joy-kommunal, reagent, ombor va boshqalar) boshlig'i
88.	Baholash ishlari bo'yicha mutaxassis
<b>Muhandis-kimyogarlik ishlari</b>	
89.	Laborant
<b>Farmatsevtika sohasidagi ishlar</b>	
90.	Inspektor-provizor
91.	Klinik farmatsevt
92.	Tahlilchi-provizor
93.	Retsept bo'yicha provizor
94.	Provizor-texnolog
95.	Farmatsevt
96.	Farmatsevt tahlilchi
97.	Farmatsevt texnolog
98.	Farmatsevt-inspektor
99.	Kosmetsevtika bo'yicha farmatsevt-texnolog
100.	Laborant
101.	Aeroportda konsullik yig'implari bo'yicha buxgalter-kassir
<b>Mahsulotlarni sotish ishlari</b>	
102.	Tovarshunos
103.	Oziq-ovqat tovarlari bo'yicha tovarshunos
<b>Muzey saqlovchilik ishlari</b>	
104.	Jamg'armalarni saqlovchi
105.	Ekspонатlarni saqlovchi
<b>Hamshiralik bo'yicha yordamchi ishlar</b>	
106.	Radioaktivlashtirish usullari laboranti
107.	Kirish nazorati laboranti
108.	Ishlab chiqarish laboranti
109.	Laborant-geokimyogar
110.	Laborant-radiokimyogar
111.	Dori vositalarini saqlash, tarqatish va ta'minlash bo'yicha farmatsevt assistenti

<b>Buxgalteriya hisobi bo'yicha yordamchi ishlar</b>	
112.	Buxgalter-kassir
<b>Xaridlar bo'yicha agentlar ishlari</b>	
113.	Ta'minot va marketing bo'yicha agent
114.	Ta'minot agenti
115.	Dori mahsulotlarini saqlash, taqsimlash va sotish bo'yicha agent
<b>Bojxona rasmiylashtiruv bo'yicha mutaxassislar va ekspeditorlar ishlari</b>	
116.	Ekspeditor
117.	Yuklarni eltish bo'yicha ekspeditor
<b>Savdo yo'nalishi (brokerlik) ishlari</b>	
118.	Sotuvchi
<b>Bank kassirlari va shunga o'xshash ishlar</b>	
119.	Valyuta bilan ishlovchi kassir
120.	Navbatchi inkassator
121.	Inkassator
122.	Almashtiruv punkti inspektori
123.	G'aznachi
124.	Kassir
125.	Aviakassa kassiri
126.	Kassir-inkassator
127.	Kassir-inspektor
128.	Kassir-ekspert
129.	Xalqaro pul o'tkazuvi bo'yicha operator-kassir
130.	Bank operatsionisti (Kassir-operatsionist)
131.	Hisob-kitob va kassa operatsiyalari bo'yicha mutaxassis
<b>Omborlarda moddiy boyliklarni hisobga olish, qabul qilish va berish bilan band bo'lgan ishlar</b>	
132.	Omborchi
133.	Qat'iy hisobot blanklari omborchisi
134.	Davlat yong'in xavfsizligi xizmatida taxlovchi (omborchi)
135.	Ballonlarni qabul qiluvchi
136.	Biologik materiallarni qabul qiluvchi
137.	Stomatologik muassasa oltin qabul qiluvchisi
138.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qabul qiluvchi
139.	Tovarlarni qabul qiluvchi
140.	Moddiy qiymatlarni qabul qilish, saqlash, tarqatish va hisobini yuritish bo'yicha texnik
141.	Xo'jalik bekasi
<b>Ishlab chiqarish, sanoat, energetika sohasi (ishlab chiqarishni rejalashtirish) mahsulotlarni hisobga olish bilan shug'ullanuvchi ishlar</b>	
142.	Xomashyo, yarim tayyor mahsulotlar va tayyor mahsulotni qabul qiluvchi
143.	Tarkibida tilla bo'lgan preparatlarni qabul qiluvchi-tarqatuvchi
<b>Transportni hisobga olish bilan shug'ullanuvchi ishlar</b>	
144.	Buyurtmalarni qabul qilish va chiptalarni yetkazib berish bo'yicha agent



<b>Pochta xizmati ishlari</b>	
145.	Pochtachi
<b>Jamoat transportida konduktorlik va nazoratchilik ishlari</b>	
146.	Konduktor (chiptachi)
<b>Bufetchilik ishlari</b>	
147.	Barmen
148.	Bufetchi
<b>Xo'jalik ishlari yuritishdagi yordamchi ishlar</b>	
149.	Xo'jalik bekasi
<b>Jamoat joylarida ma'lum turdagi oziq-ovqat mahsulotlarini sotadigan sotuvchilik ishlari (ko'cha savdosi)</b>	
150.	Chipta tarqatuvchisi
<b>Kassirlik ishlari</b>	
151.	Yuk kassiri
152.	Chipta kassiri
153.	Chipta kassiri (katta)
154.	Xorijiy pullar bilan ishlovchi chipta kassiri
155.	Yuk tashish kassiri
156.	Mehmonxonada hisob-kitob bo'yicha kassir
157.	Tovar (yuk) kassiri
158.	Tovar (yuk) kassiri, yo'l hujjatlarini amalga oshirish bo'yicha agent
159.	Sotuv zali kassiri
160.	Nazoratchi-kassir
161.	Nooziq-ovqat tovarlari nazoratchi-kassiri
162.	Oziq-ovqat tovarlari nazoratchi-kassiri
<b>Savdo ishlari</b>	
163.	Nooziq-ovqat tovarlari sotuvchisi
164.	Oziq-ovqat tovarlari sotuvchisi
165.	Sotuvchi-kassir
<b>Oziq-ovqat mahsulotlarini va ichimliklarni degustatorlari va navini aniqlovchilar ishlari</b>	
166.	Oziq-ovqat mahsulotlarini qabul qiluvchi-topshiruvchi
<b>Kimyoviy xomashyoni, neft va neft mahsulotlarini, boshqa metall bo'lmagan mineral mahsulotlarni qayta ishlash zavodlariga xizmat ko'rsatuvchi operatorlar, apparatchilar va turdosh ishlar</b>	
167.	Qurol-yarog'lar, poroxlar va portlovchi moddalarni sinash bo'yicha laborant
168.	Bakteriyali preparatlar ishlab chiqarish laboranti
<b>Shisha va keramika ishlab chiqarish uskunalariga xizmat ko'rsatuvchi operatorlar ishlari</b>	
169.	Qurilish materiallari va buyumlarini ishlab chiqarish laboranti
<b>Yukchilar ishlari</b>	
170.	Yukchi-ekspeditor
171.	Qabul qiluvchi-topshiruvchi
172.	Saqlash kamerasi qabul qiluvchisi
<b>Kurerlar, yuk tashuvchilar va boshqa shu kbi ishlar</b>	
173.	Garderobchi

174.	Kurer
175.	Yuk tashuvchi
176.	Bagaj tashuvchisi
177.	Shisha idishlarni qabul qiluvchi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**381** Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
21 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-8*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2023 йил 20 июндаги ПК–197-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 7 август,  
33-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 21 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил  
7 августдаги 33-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан  
ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ–4666-сон «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг (бундан буён матнда Палата деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳудудий бўлинмалари ҳамда Палата (бундан буён матнда аттестациядан ўтказувчи органлар деб юритилади) ҳузурида» деган сўзлар «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ҳузурида ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 11-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Аттестация комиссияларини ташкил этиш учун Марказ томонидан камида етти нафар аъзодан, шу жумладан аттестация комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котибидан иборат таркибда номзодлар рўйхатлари шакллантирилади.»;

иккинчи хатбошидаги «Палата раиси» деган сўзлар «Марказ директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 12-банднинг биринчи хатбошисидаги «Аттестациядан ўтказувчи органлар ҳузурида ташкил этиладиган аттестация» деган сўзлар «Аттестация» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «Палата» ҳамда «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар тегишли равишда «Марказ» ва «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Худудий бўлинмалар ҳузурида» ҳамда «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» деган сўзлар тегишли равишда «Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда» ва «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Худудий бўлинмалар ҳузурида» деган сўзлар «Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 15-банддаги «Палата» деган сўз «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Палата» деган сўз «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «худудий бўлинмалар ҳузурида» деган сўзлар «Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 18-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Марказ ҳузуридаги аттестация комиссиясининг доимий ишчи органи Марказнинг тегишли таркибий бўлинмаси ҳисобланади.»

11. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган аттестация комиссияларида доимий ишчи органнинг вазифалари тегишлилиги бўйича Марказнинг мазкур ҳудудлардаги мутахассислари томонидан амалга оширилади.»

12. 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «аттестациядан ўтказувчи орган» деган сўзлар «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Палата ва унинг худудий бўлинмалари ҳузурида» деган сўзлар «Марказ ҳузурида ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 40-бандда:

биринчи хатбошидаги «Палата» деган сўз «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Палата раиси» деган сўзлар «Марказ директори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 45-банддаги «Палатанинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамига» деган сўзлар «Марказнинг шахсий ҳисобварағига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 46-бандда:

биринчи хатбошидаги «Худудий бўлинмалар ҳузурида» ва «Палатага» деган сўзлар тегишли равишда «Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда» ҳамда «Марказга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Палата» деган сўз «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин.

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA‘LIMI VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI

**382** **Maktabgacha ta‘lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta‘minotiga haq to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 22-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2821-3*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi hamda 2023-yil 13-martdagi PF–34-son “Vatan himoyasi va el-yurtimiz tinchligi yo‘lida halok bo‘lgan harbiy xizmatchilar va xodimlar oila a‘zolarini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlashni kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirligi hamda Moliya vazirligining 2016-yil 25-iyuldagi 8-mh, 55-son qarori (ro‘yxat raqami 2821, 2016-yil 23-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 34-son, 406-modda) bilan tasdiqlangan Maktabgacha ta‘lim tashkilotlari va maktab internatlardagi bolalar ta‘minotiga haq to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Maktabgacha va maktab ta‘limi  
vazirining birinchi o‘rinbosari**

**U. SHARIFXODJAYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 22-iyul,  
4-mh-son

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 14-iyul,  
60-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 223-avgustda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining 2023-yil 22-iyuldagi 4-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2023-yil 14-iyuldagi 60-son qaroriga ILOVA

**Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. 5-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5-bob. Kam ta'minlangan oilalarning va boquvchisini yo'qotgan ayollarning hamda vatan himoyasi va el-yurtimiz tinchligi yo'lida yaralanganligi, kontuziya yoki mayib bo'lganligi oqibatida halok bo'lgan harbiy xizmatchilar va xodimlarning farzandlarini to'lovlardan ozod qilish”.

2. 19-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Boquvchisini yo'qotgan ayollarning farzandlari, shuningdek vatan himoyasi va el-yurtimiz tinchligi yo'lida yaralanganligi, kontuziya yoki mayib bo'lganligi oqibatida halok bo'lgan harbiy xizmatchilar va xodimlarning farzandlari mazkur bandning birinchi xatboshisida ko'rsatilgan kvotadan qat'i nazar ota-onalar to'lovidan ozod qilinadi.”.

3. 20-band quyidagi mazmundagi “v” kichik band bilan to'ldirilsin:

“v) vatan himoyasi va el-yurtimiz tinchligi yo'lida yaralanganligi, kontuziya yoki mayib bo'lganligi oqibatida halok bo'lgan harbiy xizmatchi yoki xodimning o'lim haqidagi guvohnomasi.”;

sakkizinchi xatboshi to'qqizinchi xatboshi deb hisoblansin.

4. 26-banddagi “Moliya” degan so'z “Iqtisodiyot va moliya” degan so'zlar bilan almashtirilsin.



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**383** Tabiiy suv havzalari mahsuldorligini oshirishda baliqlantirish me‘yorlari va texnologiyasiga o‘zgartirishlar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
22-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3103-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 31-maydagi PF–81-son “Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasini transformatsiya qilish va vakolatli davlat organi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2018-yil 16-noyabrda 54-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3103, 2018-yil 20-dekabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 21.12.2018-y., 10/18/3103/2355-son) bilan tasdiqlangan Tabiiy suv havzalari mahsuldorligini oshirishda baliqlantirish me‘yorlari va texnologiyasiga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. VOITOV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 4-avgust,  
144-son

*Kelishildi:*

**Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza  
qilish va iqlim o‘zgarishi vaziri**

**A. ABDUXAKIMOV**

*2023-yil 27-iyul*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 23-avgustda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi  
qishloq xo‘jaligi vazirining 2023-yil 4-avgustdagi  
144-son buyrug‘iga  
ILOVA

**Tabiiy suv havzalari mahsuldorligini oshirishda baliqlantirish  
me‘yorlari va texnologiyasiga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. Muqaddimadan “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 6-apreldagi PQ-3657-son “Baliqchilik tarmog‘ini jadal rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

2. 9-banddagi “Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi” degan so‘zlar “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI  
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**384** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3453*

Ўзбекистон Республикасининг «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Қўмондон**

**Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 21 июль,  
179-сон

*Келишилди:*

**Фавқулодда вазиятлар вазири**

**А. КУЛДАШЕВ**

*2023 йил 25 июнь*

**Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири**

**Б. ЗАКИРОВ**

*2023 йил 23 июнь*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 3 июль

Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси қўмондонининг 2023 йил  
21 июлдаги 179-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг  
Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган  
объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник  
воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби  
ҳамда шартлари тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармасига (бундан буён матнда Қўриқлаш бош бошқармаси деб юритилади) қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**қўриқланадиган объект** (бундан буён матнда объект деб юритилади) — белгиланган тартибда қўриқлашга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг бинолари, иморатлари, иншоотлари, уларнинг худудлари, жойнинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклари, пул маблағлари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки, шунингдек жисмоний шахс;

**қўриқлашнинг муҳандислик воситалари** — объектларни тажовузлардан механик жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қурилмалар ва иншоотлар;

**тўсиқ** — объектга киришга ёки киришга уринишга тўсқинлик қилувчи қўриқлашнинг муҳандислик воситаси (темир панжара ёки темир конструкция ёхуд девор);

**қўриқлашнинг техник воситалари** — объектларни тажовузлардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган, мустақил вазифаларни бажарадиган, конструктив жиҳатдан яқунланган қурилмалар;

**қўриқлаш сигнализацияси тизими** — объектга қонунга ҳилоф равишда киришни ёки киришга уринишни магнит контактли, ойна синишини қайд этувчи ва ҳаракатни аниқлайдиган хабаргоҳлар (бундан буён матнда хабаргоҳлар деб юритилади) орқали аниқловчи қўриқлашнинг техник воситаси;

**техник қўриқлаш маркази** (бундан буён матнда Марказ деб юрити-

лади) — ташвиш хабари асосида объектга тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг зудлик билан жўнатилишини таъминлайдиган Қўриқлаш бош бошқармасининг таркибий бўлинмаси;

**сигнализация ҳимоя тўсиқлари** (бундан буён матнда ҳимоя тўсиғи деб юритилади) — объектга қонунга ҳилоф равишда кирилганда ташвиш хабарининг қўриқлаш пости қабул қилиш ва бошқариш қурилмасига ёки Марказга узатилишини таъминловчи сигнализация шлейфи ёки шлейфларнинг мажмуаси;

**ташвиш сигнализация тизими** — объектга қонунга ҳилоф равишда қилинган тажовузулар бўйича ташвиш хабарининг тугма ёки педаллар орқали Марказга узатилишини таъминлайдиган қўриқлашнинг техник воситаси.

2. Мазкур Йўриқноманинг амал қилиши Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлашга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Йўриқноманинг амал қилиши Банклар ва уларнинг филиаллари-ни ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари томонидан қўриқлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2128, 2010 йил 31 июль) асосан объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талаблари, тартиби ҳамда шартларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Объектни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлашда Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан ушбу объектнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-бобларида назарда тутилган тегишли талаб ва шартлар қўлланилади.

## **2-боб. Объектни қўриқлашнинг муҳандислик воситалари билан жиҳозлаш талаб ва шартлари**

4. Объектни қўриқлашнинг муҳандислик воситалари қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

тўсиқ;

дарвоза;

назорат-ўтказиш жойи;

сув ва ҳаво қувурлари, ер ости коллекторлари;

эшик ва деразалар;

вентиляция шахталари, мўри ва бошқа технологик каналлар;

қулфлаш мосламалари.

5. Объектнинг тўсиқларини жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши зарур:

шахсларнинг, транспорт воситаларининг эҳтиётсизлик ёки қасддан кириб келишига, шунингдек уларнинг назорат-ўтказиш жойини четлаб ўтиб, объектга қонунга ҳилоф равишда киришига тўсқинлик қилиш;

қузатувни чекламаслиги, шунингдек қўриқлашнинг техник воситаларининг ишлашига тўсқинлик қилмаслиги;

объектдан ташқарида бўлган бино ва иншоотлар билан туташмаслиги;

тирқишлар, тешиклар ва бошқа шикастланишлар, шунингдек қулфланмайдиган дарвоза ва эшиклар бўлмаслиги;

баландлиги 2 m дан кам бўлмаслиги.

6. Объектнинг дарвозаларини жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши зарур:

объектнинг дарвозалари транспорт воситалари ва темир йўл кириш жойларига ўрнатилиши;

автоматик бошқариладиган дарвозалар техник носоз бўлган тақдирда қўлда очиш ва тўхтатиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши;

баландлиги камида 2 m ва қалинлиги камида 2 mm бўлган темир қопламадан ёки диаметри камида 16 mm бўлган ва 150 x 150 mm дан катта бўлмаган ўлчамдаги катакчаларни ташкил этувчи, шунингдек катакчаларнинг кесишмаларида пайвандланган, гардиши 50 x 50 x 5 mm дан кам бўлмаган ўлчамдаги темир бурчак билан мустақкамланган темир панжарадан иборат бўлиши.

7. Объектнинг назорат-ўтказиш жойини жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши зарур:

объектга ташриф буюрувчилар ва унинг ходимларини кўздан кечириш, шунингдек қўриқлаш нарядлари хизмат ўташи учун хона бўлиши;

дарвозани автоматик бошқариш қурилмаси, шунингдек ташқи периметр ёритгичларини ва транспортни стационар кўздан кечириш воситаларини бошқариш қурилмалари назорат-ўтказиш жойига ёки объектнинг ички томонига ўрнатилиши;

транспорт воситаларини ва темир йўл транспортини кўздан кечириш майдончалари билан жиҳозланиши;

назорат-ўтказиш жойининг деразалари темир панжаралар билан жиҳозланиши;

назорат-ўтказиш жойининг эшиклари қалинлиги 2 mm дан кам бўлмаган темир қопламадан иборат бўлиши, шунингдек транспорт воситалари ва фуқароларни кузатиш учун туйнук Билан жиҳозланган бўлиши;

турникетлар билан жиҳозланиши.

8. Объектнинг сув ва ҳаво қувурлари, ер ости коллекторлари унинг объектдан чиқиш жойларида диаметри камида 16 mm бўлган ва 150 x 150 mm дан катта бўлмаган ўлчамдаги катакчаларни ташкил этувчи, шунингдек катакчаларнинг кесишмаларида пайвандланган темир панжаралар билан жиҳозланган бўлиши зарур.

9. Объектнинг эшикларини жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши керак:

асосий ва захира кириш эшикларнинг ички томонида диаметри камида 16 mm бўлган ва 150 x 150 mm дан катта бўлмаган ўлчамдаги катакчаларни ташкил этувчи, шунингдек катакчаларнинг кесишмаларида пайвандланган, гардиши 35 x 35 x 4 mm дан кам бўлмаган ўлчамдаги темир бурчак билан мустақкамланган темир панжарали қўшимча эшик ўрнатилиши;

асосий кириш эшиги домофон, шунингдек захира кириш эшиги эса кўриш туйнуги билан жиҳозланиши;

махсус қисм, сервер, архив ва касса хоналари, шунингдек ертўла ва чордоқ эшиклари қалинлиги 2 mm дан кам бўлмаган темир қопламадан иборат бўлиши.

10. Объектнинг деразаларини жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши керак:

объектнинг биринчи қаватида жойлашган махсус қисм, сервер, архив ва касса хоналари, шунингдек ертўла ва чордоқ деразалари темир панжаралар билан жиҳозланиши;

иккинчи ва ундан юқори қаватлардаги деразалар эвакуация зиналари ёнида жойлашган тақдирда, улар темир панжара билан жиҳозланиши.

11. Объектнинг вентиляция шахталари, мўри ва бошқа технологик каналлари унинг объектга кириш жойларида диаметри камида 16 мм бўлган ва 150 x 150 мм дан катта бўлмаган ўлчамдаги катакчаларни ташкил этувчи, шунингдек катакчаларнинг кесишмаларида пайвандланган темир панжаралар билан жиҳозланган бўлиши керак.

12. Объект дарвоза ва эшикларининг қулфлаш мосламаларини жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши зарур:

осма қулф учун қулоқчалар кесими 6 x 40 мм дан кам бўлмаган пўлат тасмадан иборат бўлиши;

ёпиштирма қулфлар дарвоза ва эшикнинг ички томонидан болт, шайба ва гайкалар ёрдамида қотирилиши.

### **3-боб. Объектни қўриқлашнинг техник воситалари билан жиҳозлаш талаб ва шартлари**

13. Объектни қўриқлашнинг техник воситалари қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

қўриқлаш сигнализацияси тизими;

ташвиш сигнализация тизими.

14. Объектни қўриқлаш сигнализацияси тизими билан жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши керак:

рухсатсиз кириш мумкин бўлган барча заиф жойлар (дарвоза, эшик, дераза, йўлак ва хоналар) қўриқлаш сигнализацияси тизими билан жиҳозланиши;

қўриқлаш сигнализацияси тизимининг қабул қилиш ва бошқариш қурилмаси қўриқлаш постига ўрнатилиши;

хабаргоҳлар ертўла ва чордоқ хоналарига, шунингдек уларнинг дераза ва эшикларига ўрнатилган тақдирда, уларнинг шлейфи ташқи периметр қўриқлаш сигнализация тизимига уланиши;

объект ҳар бир қаватига ўрнатилган хабаргоҳларнинг шлейфи ички периметр қўриқлаш сигнализация тизимига уланиши;

объект асосий кириш эшигининг ишдан ташқари вақтда очилишини назорат қилиш учун унинг хабаргоҳи қабул қилиш ва бошқариш қурилмаси орқали Марказга уланиши;

объект ҳар бир хонасига магнит контактли, ойна синишини қайд этувчи ва ҳаракатни аниқлайдиган хабаргоҳлар биргаликда ўрнатилиши;

объект ҳар бир хонасининг эшик ва деразаларига ўрнатилган хабаргоҳлар битта шлейф билан қабул қилиш ва бошқариш қурилмасига мустақил уланиши;

ҳаракатни аниқлайдиган хабаргоҳлар объект хонасининг ҳар 30 м<sup>2</sup> майдонда биттадан ўрнатилиши.

15. Махсус қисм, сервер, архив ва касса хоналарини қўриқлаш сигнализация тизимининг иккита ҳимоя тўсиғи билан жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши керак:

биринчи ҳимоя тўсиғида хона деразасига ойна синишини ва унинг очирилишини ҳамда хона эшигига унинг очилишини қайд этувчи магнит контактли хабаргоҳларни қўллаш;

иккинчи ҳимоя тўсиғида хонага ҳаракатни аниқлайдиган хабаргоҳларни қўллаш.

Бунда, ушбу ҳимоя тўсиқлари шлейфлар орқали қабул қилиш ва бошқариш қурилмасига ва Марказга уланиши зарур.

16. Объектни ташвиш сигнализация тизими билан жиҳозлашда қуйидаги талаб ва шартларга риоя қилиниши керак:

ташвиш хабарининг тугма ёки педаллари бегона шахслар кўрмайдиган жойларга ўрнатилиши;

ташвиш хабарининг тугма ёки педаллари объект раҳбари ва бухгалтер хоналарига, шунингдек товар-моддий бойликларни сақлаш, ташиш ва ортиш-тушириш жойларига ва қўриқлаш постларига ўрнатилиши;

ташвиш сигнализация тизимининг барча шлейфлари тўғридан-тўғри Марказга уланиши.

#### **4-боб. Объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш тартиби**

17. Объектни қўриқлаш ҳамда уни муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозланишини ўрганиб бериш учун жисмоний ёки юридик шахс ушбу объект жойлашган жойдаги Қўриқлаш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармаларига (бундан буён матнда ҳудудий қўриқлаш бошқармалари деб юритилади) ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

18. Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ҳудудий қўриқлаш бошқармалари томонидан мазкур Йўриқноманинг 19-бандида кўрсатилган объектнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилади.

19. Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ҳудудий қўриқлаш бошқармалари томонидан объектни қўриқлаш ҳамда уни муҳандислик ва техник воситалар билан жиҳозлашда қуйидагилар ўрганиб чиқилади:

объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-бобларида назарда тутилган талаб ва шартларга мувофиқлиги;

объектнинг тузилиши (объект жойлашуви, қават ва хоналарининг сони, товар-моддий бойликларни сақлаш, ташиш ва ортиш-тушириш жойлари);

объектга рухсатсиз кириш мумкин бўлган барча заиф жойлар (тўсиқ, дарвоза, эшик, дераза, йўлак ва хоналар) мавжудлиги.



Бунда, ўрганиш натижаларига кўра жисмоний ёки юридик шахс ва ҳудудий кўриқлаш бошқармаси масъул ходими томонидан икки нусхада объектни кўриқлаш ҳамда уни муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича далолатнома (бундан буён матнда далолатнома деб юри-тилади) расмийлаштирилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси жисмоний ёки юридик шахсда, иккинчи нусхаси эса ҳудудий кўриқлаш бошқармаси масъул ходимида сақланади.

20. Объектни кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш жисмоний ёки юридик шахс томонидан далолатномага мувофиқ амалга оширилади.

21. Объектни кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш ишлари якунлангандан сўнг шу куннинг ўзида жисмоний ёки юри-дик шахс бу ҳақда ҳудудий кўриқлаш бошқармасини хабардор этади.

22. Ҳудудий кўриқлаш бошқармаси у бу ҳақда хабардор қилинган кундан эътиборан беш кун ичида объектнинг мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-бобларида назарда тутилган талаб ва шартларга мувофиқ жиҳозланганли-гини ўрганади.

Бунда, ўрганиш натижасига кўра ҳудудий кўриқлаш бошқармаси бош-лиғи томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

объектни кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-бобларида назарда тутилган талаб ва шартларга мувофиқлиги аниқланган тақдирда объектни кўриққа олиш тўғрисида;

объектни кўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-бобларида назарда тутилган талаб ва шартларга номувофиқлиги аниқланган тақдирда объектни кўриққа олиш-ни рад этиш тўғрисида.

23. Ҳудудий кўриқлаш бошқармаси объектни кўриққа олиш ёки кўриққа олишни рад этиш тўғрисидаги қарор ҳақида жисмоний ёки юридик шахсни ушбу қарор қабул қилинган куннинг ўзида ёзма ёки электрон равишда ха-бардор қилади.

Бунда, объектни кўриққа олишни рад этиш тўғрисидаги қарор ҳақида хабарномада мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-бобларида назарда тутилган та-лаб ва шартларга номувофиқ бўлган аниқланган камчиликлар ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар бўлиши зарур.

24. Объектни кўриққа олишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қи-линганда жисмоний ёки юридик шахс мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-бобла-рида назарда тутилган талаб ва шартларга мувофиқ бўлмаган аниқланган камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

### **5-боб. Якунловчи қоида**

25. Мазкур Йўриқнома талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**385** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2772-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ–758-сон «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги 329-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида»ги ва 2022 йил 24 июндаги 345-сон «Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга ғазначилик орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 24 мартдаги 21-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2772, 2016 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 125-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 18 июль,  
62-сон

*Келишилди:*

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

2023 йил 12 июль

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил  
18 июлдаги 62-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчалар**

1. Буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

1) номидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг (бундан буён матнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги деб юритилади) ахборот тизимида (бундан буён матнда «ЎРМВ» АТ деб юритилади) шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш тартибини белгилайди.»;

3) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Бюджет тизими бюджетларининг ҳамда бошқа мақсадли жамғармалар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳисоби бўйича операцияларни юритиш мақсадида бюджет тизими бюджетларининг тегишли даражалари, бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, бошқа мақсадли жамғармалар бюджетларидан маблағ олувчилар учун иқтисодиёт ва молия органлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари (бундан буён матнда ДМЖ деб юритилади) ва бошқа мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органлар томонидан, шунингдек бюджет ташкилотлари ва ДМЖнинг чет эл валютасидаги маблағлари учун ҳамда таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналар учун (бундан буён матнда унитар корхоналар деб юритилади) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси (бундан буён матнда Ғазначилик хизмати қўмитаси деб юритилади) ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан «ЎРМВ» АТда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети бюджет таснифининг тегишли кодлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.»;

4) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**бошқа мақсадли жамғармалар** (бундан буён матнда БМЖ деб юритилади) — Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси, Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси, Давлат хизмати ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ижтимоий суғурта жамғармаси, «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни

қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси, Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармаси, Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаси, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, «Обод маҳалла» жамғармаси, «Обод қишлоқ» жамғармаси, Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси;

**харажатларни тўлаш учун рухсатнома** (бундан буён матнда ХТР деб юритилади) — бюджет ташкилотига ёки бюджет маблағлари олувчига Ҳазначилик хизмати кўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари (бундан буён матнда ғазначилик хизмати бўлинмалари деб юритилади) томонидан бериладиган, ХТРда кўрсатилган вақт давридан бошлаб бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи унинг доирасида молиявий мажбуриятлар қабул қила оладиган ва касса харажатларини амалга ошира оладиган бюджетдан ажратилган маблағлар суммасини акс эттирувчи ҳужжат;»;

5) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, БМЖ бюджетидан маблағ олувчилар, шунингдек унитар корхоналарнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари (бундан буён матнда харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари деб юритилади).»;

6) 13-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«бюджет ташкилотлари ва ДМЖнинг чет эл валютасидаги тушумлари ва харажатлари;

унитар корхоналарнинг даромадлари ва харажатлари.»;

7) 14-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» ва «молия бошқармалари» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ва «иқтисодиёт ва молия бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 15-банддаги «молия органлари» ва «ғазначилик бўлинмалари, давлат солиқ хизмати органлари» деган сўзлар тегишли равишда «иқтисодиёт ва молия органлари» ва «ғазначилик хизмати бўлинмалари, солиқ хизмати органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 19-банддаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 20-банддаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 21-банддаги «Молия вазирлиги» ва «молия органлари, ғазначилик бўлинмалари» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирли-

ги» ва «иқтисодиёт ва молия органлари, ғазначилик хизмати бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 27-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» ва «молия бошқармалари» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ва «иқтисодиёт ва молия бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «томонидан очилади.» деган сўзлар «томонидан;» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«бюджет ташкилотлари ва ДМЖнинг чет эл валютасидаги харажатлари, шунингдек унитар корхоналар бўйича — Ғазначилик хизмати қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари томонидан очилади.»;

13) 32-банддаги «молия органлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 33-банддаги «Молия органлари» ва «ва Молия вазирлиги» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия органлари» ва «ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 34-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «молия органи» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 35 ва 36-бандлардаги «молия органига» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 37-банддаги «ғазначилик бўлинмаси» ва «молия органлари» деган сўзлар тегишли равишда «ғазначилик хизмати бўлинмаси» ва «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 38-банддаги «Молия органи» ва «ғазначилик бўлинмасига» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия органи» ва «ғазначилик хизмати бўлинмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 40-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия органларининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 42-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ғазначилик бўлинмасининг» деган сўзлар «Ғазначилик хизмати бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи, бешинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилардаги «ғазначилик» деган сўз «ғазначилик хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи, ўн биринчи, ўн бешинчи ва йигирманчи хатбошилардаги «ғазначилик» деган сўз «ғазначилик хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 43-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ғазначилик бўлинмалари» де-

ган сўзлар «Ғазначилик хизмати бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 1 — 8-иловаларнинг илова белгисидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) 3-илованинг матни мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

24) 4-илованинг матнидаги «молия органи», «Молия органи» ҳамда «Молия органининг» деган сўзлар тегишли равишда «иқтисодиёт ва молия органи», «Иқтисодиёт ва молия органи» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 6-илованинг матнидаги «Молия органи» ва «молия органи» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия органи» ва «иқтисодиёт ва молия органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 8-илованинг матнидаги «Ғазначилик бўлинмаси» ва «Ғазначиликнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Ғазначилик хизмати бўлинмаси» ва «Ғазначилик хизмати бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**386** Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ–758-сон «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи (рўйхат рақами 1806, 2008 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 178-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 июль,  
67-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

*Келишилди:*

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

2023 йил 13 июль

**Д. ВАХАБОВ**

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 августда эълон қилинган.

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

2023 йил 24 июль

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
25 июлдаги 67-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов  
қобилияти тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти нормативларини ва уларни аниқлаш тартибини, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта операцияларига оид талабларни белгилайди.»

2. 2-бандда:

а) учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

**қайта суғурта шартномаси** — суғурталовчи ўзининг суғурта шартномасига доир барча мажбуриятларини ёки уларнинг бир қисмини қайта суғурталовчига қайси шартномага мувофиқ ўтказса ўша шартнома;»;

б) бешинчи, олтинчи, ўн еттинчи ва йигирма иккинчи хатбошилардаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**қайта суғурта** — суғурта шартномаси бўйича қабул қилинган суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш таваккалчилигини бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи) билан тузилган қайта суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан тўлиқ ёки қисман суғурта қилиш;»;

г) тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**қайта суғурталовчи** — бошқа суғурта ташкилотидан қайта суғурта қилиш учун суғурта таваккалчиликларини қабул қиладиган суғурта ёки қайта суғурта ташкилоти;».

3. 5-банддаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



5. 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 10-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 12-банднинг «б» кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 14-бандда:

олтинчи хатбоши «акциядорларга» деган сўздан кейин «, лизинг ташкилотларига (молиявий ёрдам)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 16-банднинг биринчи хатбошисидаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 24-банд «акциядорлари» деган сўздан кейин «, лизинг ташкилотлари (молиявий ёрдам)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 25 ва 31-бандлардаги «Давсуғуртаназоратни» деган сўзлар «ваколатли давлат органини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 5-бобнинг номидаги «Қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «Қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 33-банднинг «а» ва «б» кичик бандларидаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 34-банддаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 6 ва 7-бобларнинг номидаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 36-банддаги «қайта суғурта қилиш» ва «Давсуғуртаназоратга» деган сўзлар тегишли равишда «қайта суғурта» ва «ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 37-банддаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 42-банддаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 43 — 47-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. 48-банддаги «тугатилади» деган сўз «бекор қилинади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 49-бандда:

биринчи хатбошидаги «қайта суғурта қилиш» ва «Давсуғуртаназорат» деган сўзлар тегишли равишда «қайта суғурта» ва «ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давсуғуртаназоратга» деган сўзлар «ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 50-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан мазкур Низомда белгиланган норматив ва талабларга риоя қилинмаган, белгиланган муддатда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги ваколатли давлат органи кўрсатмаси бажарилмаган тақдирда, суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) лицензияси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.».

23. 1-иловада:

кириш қисмидаги «фақат қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «фақат қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5, 6, 7, 10, 12 ва 23-позициялардаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21-позиция «акциядорларга» деган сўздан кейин «, лизинг ташкилотларига (молиявий ёрдам)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24-позициядаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

24. 2-иловада:

6, 7, 9, 10 ва 25-позициялардаги «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар «(қайта суғурта)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23-позиция «акциядорларга» деган сўздан кейин «, лизинг ташкилотларига (молиявий ёрдам)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

26-позициядаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

25. 3-илованинг 8-позицияси «акциядорлари» деган сўздан кейин «, лизинг ташкилотлари (молиявий ёрдам)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

26. 6-илованинг номи ва 1-жадвали 5-позициясидаги «қайта суғурта қилиш» деган сўзлар «қайта суғурта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**387** «Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2564-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 17 февралдаги 9-сон «Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2564, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 9-сон, 102-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 июль,  
68-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

*Келишилди:*

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

*2023 йил 13 июль*

**Д. ВАХАБОВ**

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 августда эълон қилинган.

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

*2023 йил 24 июль*

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил  
25 июлдаги 68-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни  
эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**».
2. Низомда:
  - а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Мазкур Низом суғурталовчилар томонидан эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди.»;
  - б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«3. Суғурталовчи йиллик молиявий ҳисоботни мажбурий аудиторлик текшируви яқунланганидан кейин ўн беш кун ичида, лекин суғурталовчининг юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин, ўзининг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.»;
  - в) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«5. Суғурталовчи ушбу Низомнинг 3 ва 4-бандларига мувофиқ ўзи томонидан йиллик молиявий ҳисобот (ўзгартирилган йиллик молиявий ҳисобот) эълон қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигини хабардор қилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**388** «Ботаника коллекцияларини ҳисобга олиш, тўлдириб бориш, асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2628-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПФ–81-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йил 3 ноябрдаги 01/06-4-сон «Ботаника коллекцияларини ҳисобга олиш, тўлдириб бориш, асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2628, 2014 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 48-сон, 577-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. АБДУҲАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 21 август,  
МН-12-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва  
иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил  
21 августдаги МН-12-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Ботаника коллекцияларини ҳисобга олиш, тўлдириб бориш,  
асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон  
Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш  
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

